

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҚБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz

orif@infonet.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2005-йил, 21-январ, 3 (644)-сон

Sotuvda narxi erkin

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ - ЎЗБЕГИМ ДУРДОНАСИ

Хар доим Тошкент телеминораси телевидение орқали намойиш этилганида ёки у ҳақда матбуот саҳифаларида ёритилганида беихтиёр диққатимизни ўзига жалб қилади. Агарда телеминоранинг яқинидан ўтиб қолсак, шубҳасиз, хайрат билан унга боқамиз. Қуёшли кунларда мусаффо осмон бағрида оппоқ рангда товланиб туриши, баъзида миноранинг тепа қисми булутлар ила бўйлашаётгани кишини ажаблантирмасдан қўймайди. Гўзал ва мўъжизкор телеминорамиз фойдаланишга топширилганига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан газетамизнинг ушбу сони Тошкент телеминорасининг шонли санасига бағишланади.

Йигирма йиллиги нишонланаётган Тошкент телеминораси жамоасининг асл мақсади аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини доимий равишда яхшилаб бориш, янгилик сари интилишдан иборатдир.

Доимий изланишда

Барча масалалар раҳбарият ва мутахассислар томонидан ўзаро фикрлашиб ҳал қилинади. Корхонада тажрибали ва ўз ишини пухта ўзлаштирган мутахассисларнинг фаолият юритиши энг замонавий технологиялардан ҳам қийинчиликларсиз фойдаланиш имконини бермоқда. Телеминоранинг ишга туширилишига ўзининг муносиб хиссасини қўшган ва шу муносабат билан давлатимиз мукофотларига сазовор бўлган Илҳом Мирсодиқов, Рудолф Турсунов, Бахтиёр Туқов каби мутахассислар бугунги кунда ҳам ёшларга устозлик қилиб келишмоқда. Шунингдек, корхонамизда меҳнат қилаётган Вадим Иващенко, Сурайё Йўлдошева, Сурайё Иноғомова, Абдумутал Пўлатов, Анатолий Голиков, Тўхтамурад Зокиржонов каби ходимлар ўз ишининг усталари ҳисобланишади.



Айни пайтда телеминорага кириш учун янги, икки қаватли бино мажмуаси қурилиб, пардозлаш, электротехник ва сантехник ишлар давом эттириляпти. Ушбу бинони тиклашдан мақсад сайёҳлар учун юқори даражада қўлайлик яратишдан иборатдир. Иншоот қурилиши ниҳоясига етгач, теле-

минорадаги музей, "Коинот" ресторани ва кузатув майдонига тўғри кириб бориш мумкин бўлади ҳамда марказ фаолиятига ҳалал берилмайди, Шунингдек, янги иншоотда бошқарув аппарати, мўъжазгина овқатланиш муассасаси, кўргазма заллари, экскурсия бюроси, аҳолига маийши хизмат кўрсатиш хоналари жой олади.

Курилиш-монтаж ишлари бош пудратчи - "Тошкентвилоятқурилиш" АЖ бунёдкорлари томонидан амалга ошириляпти. Ишлар икки сменада ташкил этилиб, унда 50дан ортиқ қурувчи меҳнат қилмоқда. Бундан икки йил аввал жаҳоннинг йirik ва машҳур миноралари (Эйфел, Останкино)да юз берган ҳодисалар ёнгинг хавфсизлигига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатди. Телеминоранинг хона ва залларидаги гиламларга ёнишдан сақлайдиган махсус суюқликлар билан ишлов берилди. Барча кабелларнинг ташқи тарафи ёнгиндан сақловчи бўёқ билан қопланди. Шунингдек, тутунга ишлайдиган янги датчиклар ўрнатилди. Ушбу мосламалар замонавий Аккорд-512 қурилмаси орқали назорат қилинади.

Давлат аҳамиятига молик мазкур иншоотни қўриқлашда унинг ҳудуди бўйлаб ўрнатилган телекамералар, хавфсизлик сигнализацияси ҳамда автоматналарни текширадиган кузатув тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Бинонинг кириш қисмида эса RANGER русумли металл детектори ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда.)

Тарихга назар

Ўзбекистонда 1960—70 йилларда телекурсуларни пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг узоқ тоғли туманларигача етказиб берадиган баланд минорали телемарказга эҳтиёж туғилган ва уни қуриш учун тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилганди. Уша даврда телеминора ҳақидаги биринчи таклифлар алоқа ва телевидение воситаларини ривожлантириш ҳақидаги ҳукумат қарори тайёрланаётганлиги муносабати билан муҳокама қилинган эди.

Кунларнинг бирида Москвага хизмат сафари билан борган Ўзбекистон алоқа вазири Дониёр Мангелдин Москвадаги алоқа лойиҳа институтида Ироқнинг пойтахти — Бағдод учун тайёрланган телеминора макетини кўриб, унга қизиқиб қолади. Бағдодликлар ўша пайтда мамлакатдаги нотинч сиёсий вазият туфайли ўз буюртмаларидан воз кечишади. Д.Мангелдин таклифига кўра, институт раҳбарлари телеминорани Тошкентда қуришга розилик берадилар. Д.Мангелдин макетни республика раҳбари Шароф Рашидовга кўрсатади ва у киши Тошкентда ушбу макет асосида телеминора қуришни қўллаб-қувватлайди. Шу кундан Алоқа вазирилиги телеминора қурилиши тараддудини бошлаб юборади.

1971 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон алоқа вазирилиги тасарруфида "Тошкент радиотелевизион узатиш маркази қурилиши дирекцияси" ташкил этилди ва унга муҳандис Хикмат Ғуломов бошлиқ этиб тайинланди. Телеминора лойиҳасига бир неча йил кетди. Лойиҳалашда собиқ Иттифоқнинг энг нуфузли лойиҳа институтлари: ЦНИИ проектстальконструкция ва унинг Ўзбекистондаги филиали конструкторлари, Фондментпроект, СССР Алоқа вазирилигига қарашли Алоқа лойиҳа институти, ТошГипРО-ГОР, архитекторлар, мусаввирлар, "Рассом" комбинати ва Ўзбекистон мусаввирлар уюшмасининг дизайнерлари, халқ усталари қатнашдилар. Лойиҳа ўта синчковлик билан синовлардан ўтказилди.

(Давоми 2-бетда.)



Гўзал ва ноёб


Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида талайгина эса қоладиган воқеалар бўлган. Шулардан бири Тошкент телеминораси қурилиши билан боғлиқдир.

1981 йилнинг август ойи эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг секретари Асатилла Хўжаев мени ҳузурига чақириб, кўлимга "Известия" газетасини тутқазди ва "Газетани ўқиб кўринг" деди. Вазиригимиз ҳақида бирон-бир танқидий мақола чоп этилган бўлса керак, деб ўйладим. Газетани қайта-қайта варақласам-да, ҳеч нарса тополмадим. А.Хўжаев эса Олмаотада 350 метрлик телеминора қуриляётганлиги ҳақида кичик ҳажмдаги мақола чоп этилганини кўрсатди. Сўнгра, Тошкент телеминораси ундан баланд — 375 метр бўлиши кераклиги ҳақида топшириқ берди. Ваҳоланки, барча қурилиш асбоб-анжомлари бундай баландликка мўлжалланмаганди. Қолаверса, бунинг учун Москвадаги керакли ташкилотлардан рухсат олиш лозим эди. Мен бу масалани

ҳал қилиш учун Москвага бордим. У ердан не-не машаққатлардан сўнг рухсат теккач, телеминора қурилиши учун Германиядан пўлат келтирилди. Шундан кейин бу гўзал иншоот қурилиши давом эттирилди.

Республикамизда қурилган телеминора ўша пайтда баландлиги бўйича дунёдаги телеминоралар ичида тўртинчи ўринни эгаллади. У жуда катта сайёҳаракатлар эвазига қуриб битказилди. Бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник иншоот, балки пойтахтимиз кўрகига кўрк қўшиб турган архитектура дурдонасидир.

Абдунаби ТОҒАЙЛИЕВ, "Алоқinvest" АЖ бошқаруви раиси, 1975—1985 йилларда Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган



ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ – ЎЗБЕГИМ ДУРДОНАСИ

Тошкент радиотелевизион узатиш марказининг фаолиятини ундаги бўлим ва цехларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Куйидаги маълумотларни ўқиб бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Миноранинг юраги

Мамлакатимизда доимий телеузатиш 1956 йилдан бошланган. Уша вақтда телевидениенинг битта, яъни "Тошкент" студиясининг дастури 180 метрлик минорادا ўрнатилган антенна ва ТТР-5/2,5 квт узатгичи орқали эфирга чиққан. Шунингдек, бу пайтда УКВ ЧМ диапазонида иккита дастурда радио эшиттиришлари ҳам бошланган.

ТВ ва УКВ ЧМ узатгичлари эксплуатацияси ҳамда уларга хизмат кўрсатиш вазифаси Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида малака ошириб қайтган мутахассислар — Юсуфали Усмонов, Зайниддин Рашидов, Жўра Пулатовларга юқланганди. Уларнинг билим ва тажрибалари туфайли ўша пайтда мураккаб ҳисобланган техника узлуксиз ишлатилди. УКВ цехида, шунингдек, Тошкент алоқа политехникуми (ҳозирги Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи)ни тамомлаган Эргаш Ортиқов, Зулфира Ортиқова, Манифа Мирзахакимова, Убайдулла Авазов, Мирзиёт Миржалилов, Борис Холодилкин, Абдураҳим Шукуров, Хайрулла Бокиев, Николай Ведяшев, Элла Шведова каби ўз ишини усталари хизмат қилишарди.

1966 йилнинг охирида телевидениеда яна иккита дастур иш бошлади. Маҳаллий мутахассислар кучи билан "Якорь"-5/1 квт ва "Игла"-5/1 квт узатгичлари ўрнатилди. 1971 йили эса



эски ТТР-5/2,5 квт узатгич ўрнига замонавий "Якорь"-5/1 квт узатгичи монтаж қилинди. Республика телевидениесининг туртинчи дастурини аҳолига намойиш этиш мақсадида 1973 йили РЦТА-70 узатгичи ўрнатилди.

Янги ускуналарни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатишда Тошкент алоқа техникуми ва Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаган кадрлар жалб қилинганди. Р.Турсунов, С.Иноғомов, Л.Хаимов, М.Мухамедов, Ш.Зокиров, С.Холиқов, Т.Юнусов

каби мутахассислар саъй-ҳаракати туфайли 1984 йил охирида қадар телерадиоузатгичларнинг узлуксиз хизмат кўрсатиши таъминланди.

1985 йилнинг 15 январидан УКВ цехининг янги даври бошланди. Ўрнатилган ускуналар ва 375 метрлик Тошкент телеминораси нафақат пойтахтда, балки унинг ташқарида ҳам сифатли кўрсатув ва эшиттиришларни намойиш қилиш имкониятини яратди. Кейинчалик ҳам Тошкент радиотелевизион узатиш маркази

нинг УКВ цехи мутахассислари янги техникаларни монтаж қилиш ва рационализаторлик буйича ишларни давом эттиришди. Тўртта теледастурга қўшимча тижорий "30 канал" пойтахт аҳолисига хизмат қила бошлади.

1999 йили Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан "Тошкент телеминорасининг радиозуатиш мажмуасини замонавийлаштириш лойиҳаси" тасдиқланди. Унга кўра тендер эълон қилиниб, Япониянинг "Иточу" корпорацияси ғолиб деб топилди ва янги ускуналарни келтириш буйича шартнома имзоланди. 2000 йили "Toshiba" русумидаги иккита ТВ узатгич ишга туширилди. Ўтган 2004 йилнинг ўрталарига келиб эса "Toshiba" русумидаги олти та "BTESA" (Испания) компаниясининг тўртта FM узатгичлари тўлиқ ўрнатилди. Ушбу ишларнинг амалга оширилишида цех мутахассислари — смена бошқилари Р.Турсунов, П.Голдварг, муҳандис Э.Аваков ва электромеханик В.Денискинлар фаол иштирок этишди.

Янги узатгичлар ўтган вақт байнида қатор қулайликларга эга эканлигини исботлаб келмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш анча осон бўлиб, бу электрон тарзда амалга оширилади. Аввалги узатгичларга қараганда уч баробар кам энергия сарфланади. Энг асосийси, узатилётган тасвир ва овоз сифати яхшиланади.

Цехимиз ходимлари келгусида ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда давом этади.

Илҳом МИРСОДИҚОВ,
УКВ цехи бошлиғи

Энергия таъминоти

Узатгичлар ва лифтарларнинг, умуман, иншоотдаги барча қурилмаларнинг тўхтовсиз ишлатилишида электр қувватининг роли ўта муҳим. Шунинг учун энергия таъминоти цехи ходимлари зиммасида доимо катта масъулият туради.



Ушбу цех ишчилари томонидан 1986 йили диспетчерлик хонасига масофадан улаш ва ўчириш имконини берувчи бошқарув ҳамда сигнализация мосламалари, шунингдек, кузатув майдончаси, иккинчи қават ва бошқа жойларга кондиционерлар, вентиляторлар, ёритиш жиҳозлари ҳамда электр ускуналар ишини назорат қилувчи асбоблар ўрнатилди. Орадан бир йил ўтиб, "Коинот" ресторани заллари ва кузатув майдончаси иситиш тизими билан таъминланди. Ушбу ишларнинг бажарилишида ва электр жиҳозларининг узлуксиз ишлатилиши таъминлашда ТошРТУМнинг бош энергетиги А.Панфилин (1985–89-йиллар), энергия таъминоти цехи бошлиғи Я.Сидорович (1985–88), электромонтёрлар А.Аъзамов ва Т.Удбойбердиевларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тошкент телеминорасида 1999 йили ETS-QM — жамловчи ҳисоблагич ўрнатилиши натижасида электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Айни пайтда Энергия таъминоти цехини бошқараётган Қ.Эргашев, муҳандис Я.Сидорович, Т.Кабина, электромонтёрлар Р.Мадалиев, В.Рангаев ва А.Солиҳовлар саъй-ҳаракати билан 2002 йили ташқи электр таъминоти ишончилигини таъминлаш мақсадида ТошРТУМ томонидан келтирилган қўшимча иккита 10 кв кабел ва CD 534 кв дизел генератори ўрнатилди. Шунингдек, 2002–2003 йилларда иккинчи қаватни қўшимча (проектор ёрдамида) ёритиш ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Ёшлар эътиборда

Корхонанинг фаолиятини молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали даромадларнинг ошишига эришиш учун аниқ режалар талаб этилади. Телеминоранинг режалаштириш ва бухгалтерия бўлими ана шу вазифани бекам кўст бажаришга бел боғлаган. Бунинг учун бўлим зарурий жиҳозлар билан таъминланиб, ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Компьютерлар ягона тизимга уланган ва банк муассасаси билан ҳисоб-китоблар янги дастурлар орқали амалга ошири-

лаётгани орқича харажатларнинг олдини олапти ва иш самарадорлиғи ошишини таъминлапти.

— Телеминорамизда ижарачилар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди бўлим бошлиғи Муқаддам Алимова. — Ҳозирги кунда уларнинг сони 40га яқинлашди. Бу корхоналар билан алоқаларимиз тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир.

Бўлимда ёш кадрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни дамда бу ерда тажрибали ходимлар — М.Абдуллаҳадова, З.Турсунова, М.Қодирова, Н.Гуцина, С.Расуллова, С.Иноғомова, С.Юлдашева, Г.Соатмуротова, М.Мирзохидовалар билан бирга Тошкент ахборот технологиялари университетини талабалари ҳам касб сир-синоатларини ўрганишмоқда.

Баланд иншоотнинг энг муҳим қисмларидан бири, албатта, лифтлар ҳисобланади. Айнан лифтнинг ихтиро қилиниши осмонўпар биноларнинг қурилишига туртки бўлганди.

Тошкент телеминорасидаги Швейцариянинг дунёга машҳур "Shindler" фирмасида ишлаб чиқарилган тезюрар учта лифт (4 м/сек) йиғирма йилдан буён техник ходимлар ва сайёҳатчилар учун беҳимнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Лифт катновини аниқлайдиган ҳисоблагичлар курсаткичи буйича, ушбу лифтлар хизматидан шу кунгача икки миллиондан ортиқ киши фойдаланган.

— Айни дамда лифтсозлик анча ривожланиб кетганига қарамай, Тошкент телеминораси лифтлири яна бир неча йиллар

Тезюрар лифтлар хизматингизда

давомида ишончли хизмат кўрсата олади, — дейди лифтарларнинг ишлаши буйича масъул Александр Новознов. — Сафимизда тажрибали мутахассисларнинг фаолият олиб бораётгани юзага келаятган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда қўл келмоқда.

Телеминора лифтларининг бунга қадар муаммоларсиз ишлаб келаятиганида биринчи тоифа муҳандис Борис Коршунов, иккинчи тоифали муҳандис Вячеслав Головченко, электромеханик Юрий Шаршин ва ёш кадрлардан Зокир Қодировларнинг хизматлари катта.



Сантехник ускуналар ва совутиш цехида ҳам ўтган вақт давомида бир қанча ишлар амалга оширилди. Цех бошлиғи Бахтиёр Туяков, мутахассислар — Ортик Тоҳжиев, Александр Илинский, Володя Гречевларнинг билим ва тажрибалари туфайли иншоотнинг совутиш ва иситиш тизимларида янгиликлар қилиниб, бир неча миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди. Келгусида ҳам қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

СУРАТДА: цех мутахассислари телеминоранинг энг тепа қисмигача сув чиқариб бера оладиган ёнгинга қарши насосни кўздан кечиришмоқда.

ТО'УХАТ О'RNIDA

Болалигида армиядан қайтган аскар, матрос ёки офицерларни кўриб ҳавас қилмаган йигит бўлмаса керак. Бу касб эгаларининг нафақат ўзларига ярашган ҳарбий кийими, балки жасуриги ва мардлиги, қатъияти ҳамда уларга ватанни ҳимоя қилишдек улкан масъулият ишониб топширилгани ҳам ҳарбийларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эътибор уйғотади.

Шу йилнинг 23 январида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) бошлиғи, полковник Дмитрий Семёнович ГОЛДМАН 50 ёшга тўлади.



Саломат бўлинг, ўртоқ полковник!

У 1955 йилнинг 23 январида Беларусиянинг Минск шаҳрида туғилган. Мактабдан кейин Беларуссия политехника институтида тахсил олди. 1977 йили эса собиқ Иттифоқ алоқа вазирлиги ҳарбий-тиклаш бошқармасининг офицерларни қайта тайёрлаш курсида ўқиди ва шу вақтдан бошлаб унинг умр дафтарида ҳарбий алоқачилик саҳифаси очилди. Дмитрий Семёнович дастлаб собиқ Иттифоқ алоқа вазирлигининг ҳарбий-тиклаш бошқармасида взвод командири вазифасида иш бошлади. У мазкур бошқармада турли вазифаларда хизмат қилди. Ҳарбий алоқачининг 1986 йилдан бошлаб бутун фаолияти Махсус авария-тиклаш бошқармаси билан боғлиқ. Шу ўринда бошқарма тарихига қисқача тўхталсак.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) турли йилларда ҳар хил номларда фаолият кўрсатган. Иттифоқ алоқа вазирлиги таркибидоғи мазкур қисм 1961 йили Қозоғистоннинг Жамбул шаҳридан Тошкент шаҳрига кўчириб келтирилди. 1962 йили эса ҳозирги жойлашган ўрни — Заңгиота тумани, "Қуёшли" қўрғонига кўчирилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳарбий қисм 1992 йили Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тасаруфига ўтказилиб, алоҳида ҳарбий эксплуатация-тиклаш алоқа бригадаси деб юритилди ва унга Д.С.Голдман раҳбарлик қила бошлади. 1998 йили алоқачилар ҳарбий бригадаси Махсус авария-тиклаш бошқармаси (МАТБ)га айлантирилди.

Бошқарманинг энг асосий вазифалари қаторига фавулодда ҳолатларда алоқани тиклаш ва узлуқли таъминлаш ҳамда ўта муҳим алоқа иншоотларини қўриқлаш қиради. Утган вақт мобайнида ҳарбий алоқачилар Транс-Осиё-Европа кабел магистрлиги курилишида қатнашдилар. Тошкент шаҳрида Республика ИИВнинг Давлат автомобил назорати билан биргаликда ҳаракатларни автоматик бошқариш тизимини яратишди. Алоқа иншоотларидаги 170дан ортқ авария ҳолатлари бартараф этилди.

Бошқарма мутахассислари 2000 йили бошқариш масканининг кўча алоқа тармоғи (БМКК) лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бу лойиҳа фавулодда вазиятларда ҳамда республика телекоммуникация тармоқларида рўй берган авария ҳолатларини бартараф этишда авария-тиклаш ишларига Агентлик ва бошқа тегишли идораларнинг тезкор раҳбарлик қилиш, давлат бошқарув органларини алоқа билан таъминлаш имкониятини яратади. Бунинг учун бошқарма ўз чизмалари, техник талаблари асосида Самарқанддаги "СамКочАвто" қўшма корхонасига махсус автомобиллар учун бюртма берди. Машиналар олинган, унга энг замонавий телекоммуникация жиҳозлари ўрнатилди, дала шароитида муваффақиятли синовлар ўтказилди. 2001 йилнинг июл ойида БМКК 3-радиостанция мажмуини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. 2002 йилда кўча транкинг ретранслятор фойдаланишга топширилди. Бошқарма

Фарғонада ўтказилган "Фарғона-2003" халқаро ҳамда "Қамчиқ-2004" ҳарбий ўқув машғулотларини сифатли алоқа билан таъминлади.

Яқинда ҳарбий қисмда бўлиб, у ерда амалга оширилган ишлар, ҳарбийлар ҳаёти билан танишдик. Хамроҳларимиз — капитанлар Зафаржон Аҳмедов ва Жамшид Қосимов билан аскарлар ётоқхонаси, тиббий ёрдам маскани, спорт-зал, кутубхона, мажлислар зали ҳамда ўқув хоналарини кўздан кечирдик. Уларнинг бари замонавий усулда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айниқса, аскарлар ётоқхонасида яратилган шарт-шароитлар кишини қувонтиради. Кутубхона эса бадий-сиёсий адабиётларга бой экан. Утган даврда бошқарманинг маъмурий биноси, кириш назорат маскани, омборхоналари қўрилибди.

— Бу ишларнинг амалга ошишида бошқармаимиз бошлигининг ташаббускорлиги, қатъиятлиги қўл келди, — дейди ҳарбий қисмнинг 1-маркази бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Зафаржон Аҳмедов. — Дмитрий Семёнович аскар ва офицерларнинг шахсий ҳаётлари билан ҳам қизиқиб, улардан ўз ёрдами аямайди. Хамкасбим Жамшид икковимиз ҳам шу ерда оддий аскарликдан иш бошлаганимиз. Мана ҳозир бизга капитан унвони берилган. Бу албатта, бошқарманинг ёшларга бўлган диққат-эътиборидан, инсонийлигидан далолат беради.

— Дарҳақиқат, раҳбарга қўл нарсасиз, — дея суҳбатимизга қўшилади Жамшид Қосимов. — Қисмимизда барча маданият-маърифий ишлар бошлиғимизнинг астойдил қўллаб-қувватлаши сабабли амалга ошмоқда. Аскарларимиз билан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падарқуш", Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз қувёв", Улмас Умарбековнинг "Кузнинг биринчи кун" каби асарларини сахналаштирадик. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Биз доимо раҳбарларимизнинг бу борада хайрихоҳлигини юракдан ҳис қилиб тураемиз. Шунинг учун ҳам қисмимизда турли маърифий кечалар, учрашув ва тадбирлар тез-тез уюштирилади.

Хамсуҳбатларимиз айтганидек, раҳбарга қўл нарсасиз боғлиқ. Юқорида тилга олиб ўтган ишлар бошқарма бошлиғи Дмитрий Семёнович Голдманинг саяё-ҳаракатлари, жонқуярлиги туфайли рўёбга чиққан. Фидокорона меҳнати, ишни тўғри йўлга қўйганлиги учун у ҳукуматимизнинг "Меҳнат шўхрати" ордени, Агентликнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони билан тақдирланган.

Дмитрий Семёнович оилада ҳам ўз бахтини топган инсонлардан. Рафиқаси билан икки нафар қизни тарбиялаб вояга етказишган.

Биз талабчан раҳбар, бахтли оила бошлиғига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

Юбилейингиз муборак бўлсин, ўртоқ полковник!

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Табриклаймиз!

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг лойиҳалаш бўлими бошлиғи Нутфулло ШЕРОВ ҳамда бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Олия ШУКУРЛАЕВАни туғилган кунлари билан самимий муборакбод этиб, уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилайдилар.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни ҳамда республикамиз алоқачиларини

Қурбон ҳайити —
Ийғ ал-Ағҳа
билан самимий табриклайғу.

Барчангизга боқий
умр, тинчлик-
омонлик, бахт-саодат
ҳамиша ёр бўлсин.

Қалбингизни имон нури
ҳеч қачон тарк этмасин!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини,
жумладан, алоқа соҳасида
меҳнат қилаётган барча
ходимларни

Қурбон ҳайити билан
қизғин қутлайди.

Сизларга сиҳат-
саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик
тилаймиз.

Доимо маънан ва руҳан баркамол бўлиб юринг!

